ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 25 Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 29 мартдаги 3, 9-сон қарори (рўйхат рақами 2368, 2012 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 240-модда) билан тасдиқланган Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ берилади.».



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 19 yanvar holatiga



2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Овчилар ва балиқчилар спорт жамиятлари уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси** **Б. АБДУСАМАТОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
2-сон

**Ички ишлар вазири** **А. АХМЕДБАЕВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
44-сон

***Келишилган:***

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири*** ***Ш. ТЕШАЕВ***

*2014 йил 31 декабрь*

***Соғлиқни сақлаш вазири*** ***А. АЛИМОВ***

*2014 йил 31 декабрь*

***Молия вазири*** ***Р. АЗИМОВ***

*2014 йил 31 декабрь*

***Фанлар академияси Президенти*** ***Ш. САЛИХОВ***

*2014 йил 31 декабрь*

***«Ўзбековчибалиқчи» уюшмаси раиси*** ***С. АЮПОВ***

*2014 йил 31 декабрь*



WWW.LEX.UZ